

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**364 «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсиз-
лигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча
киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2011 йил 27 июля қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 26 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги 766-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) кўйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **12-модданинг олтинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юкини, багажни кўздан кечиради ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказади. Кўздан кечиришдан бош тортилган тақдирда, вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга қўйилмайди. Кўздан кечиришни ўтказиш хуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати ва кўздан кечиришни ўтказиш тартиби, шунингдек йўловчилар ва бошқа шахсларнинг вокзallарда бўлиши қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) кўйидаги мазмундаги **20¹-модда** билан тўлдирилсин:

«20¹-модда. Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар

Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади»;

3) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «қонун хужжатларида» деган сўзлар «ушбу Қонунда ёки бошқа қонун хужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 8 сентябрь,
ЎРҚ-293-сон